

# **Оилалар жамият ва давлат ҳимоясида**



Термиз туманида жойлашган Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида туман оила ва хотин-қизлари бўлими ҳамда туман прокуратураси билан ҳамкорликда нотинч оилалардаги муаммо ва низоларини ўрганиш, хотин-қизларга нисбатан тазийик ва зўравонликларнинг олдини олиш, ажрим ёқасида турган оилаларни яраштириш масалаларига бағишлиланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда Термиз туман оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш ва оилавий ажримларнинг олдини олиш комиссияси, туман прокуратураси ва ИИБ масъуллари, 2-сектор ҳудудидаги хотин-қизлар фаоллари, низоли, ажрим ёқасида турган оила вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда сўз олганлар, кейинги йилларда юртимиизда оилалар манфаатини ҳимоя қилиш, хотин-қизларни қийнаётган муаммоларни бартараф этиш, оилаларда тазийик ва зўравонликларнинг олдини олиш, айниқса, ажримларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Шунингдек, тадбир давомида 2-сектор ҳудудидаги 12 та низоли оила вакиллари билан сұхбат олиб борилди. Имом хатиб, ҳожи оналарларнинг сұхбатидан сўнг, етти нафар оила вакилари ўз хатоларини англаб, ярашишган бўлса, беш нафар низоли оилаларга ярашиш учун маълум муддат берилди.